



*Китобнинг 3D муқовасини тайёрлашда ушбу сайтдан фойдаланилди:*

<http://3dcoverdesign.ru/cover3d/categories>

## Сиздан баракани тўсиб турган фикрлар

**Саидмурод Давлатовнинг «Бойлар каби фикрлашни ўрганинг»** номли вебинари таржимаси.

Манба: <https://www.youtube.com/watch?v=-V6rukkR0ik>

Молиявий эркинликка эришиш учун 3та асосий қадам бор. Бу 3 қадамсиз иложи йўқ.

**Энг биринчи қадам** – бу бойлар сингари фикрлашни ўрганишдир. Кўпчилик инсонлар камбағаллардек фикрлайди. Улар ўзлари ҳам нима учун бундай фикрлаётганлигини тушунишмайди, аммо камбағаллардек фикрлайверадилар. Чунки камбағаллик бизга ота-боболаримиздан келган. Жуда кўп одамлар қашшоқларча фикрлайдилар. Жуда кўўўп одамлар!

Онам мени устозга берганларида ёшим 8 да эди. Мен ҳар доим лол қолардим. Одамлар келиб турли саволлар

беришарди. Устозим эса нима қилишни, қандай қилишни, бу муаммони қандай ечишни ва ҳоказоларни тавсия қиларди. Мен, ўша вақтлардан бошлаб, доимо одамларнинг фикрлаш тарзини ўрганишга қизиқувчан бўлганман. Ва одамлар фикрлаш тарзининг структурасини, инсоннинг фикрлаш қобилиятини тушуна бошладим, мағзини англай бошладим.

У нима учун бундай фикрлайди? У нима учун бундай қиляпти? У нима учун бундай гапиряпти? - мен буларни англай бошладим. Қачонки Сиз узоқ йиллар давомида битта соҳада ишласангиз Сиз бу соҳани жуда яхши тушуна бошлайсиз, Сиз одамнинг қадриятларини тушуна бошлайсиз, Сиз буларни кўра бошлайсиз.

Мен буни қилишни бошладим. Мени битта нарса ҳайрон қолдирди. Бир оилада икки ака-ука улғайишади. Бири омадсиз иккинчиси эса муваффақиятли бўлишади. Бир синфда икки синфдош ўқийди – уларнинг бири аълочи, иккинчиси ҳеч нимани билмайди.

Бу нарсалар ҳақиқатдан ҳам жуда ноодатий эди. Мен бу

соҳани жуда яхши тушунишга ҳаракат қила бошладим. Ва шуни тушунишни бошладимки, **инсон кўзлари билан кўрмас экан**. Тасаввур қияпсизми?! Инсон кўзлари билан кўрмас экан! Инсон ақли билан кўрар экан! Буни қабул қилиш ноодатийдир.

Мана ҳозир барчангиз мени эшитяпсиз. Ҳаммангиз эшитяпсиз. Аслида Сиз мени қулоғингиз билан эшитмаяпсиз. Сиз онгингиз билан эшитяпсиз. Онгингиз нимага йўл берса, рухсат берса шуни қабул қилади. Йўл бермаганини, рухсат бермаганини эса қабул қилмайди.

Кўчага чиқинг ва ҳуштак чалинг, бақиринг. Ит ҳам эшитиб қарайди, қуш ҳам учиб кетади, мушук ҳам қочади. Чунки, уларда ҳам қулоқ бор ва эшитишади. Аммо ит Сиз айтаётганларингизни қила олмайди. Тушуняпсизми?! Мана гап нимада! **Инсон қулоқлари билан эшитмайди!** У ақли билан, онги билан эшитади.

Мана шунинг учун ҳам Сиз айрим ҳолларда бир инсонга «*Мана бундай қил!*» десангиз у бориб буткул тескарисини

қилиб келади. Чунки унинг онги буткул бошқача фикрлайди.

Демак, муваффақиятга эришиш учун биринчи навбатда тўғри фикрлашни ўрганиш керак эканлиги маълум бўлади. Нима учун?

Мана бунга қаранг (қора кўзойнакни кўрсатиб тингловчилардан сўраяпти). Бу нима?

**Тингловчиларнинг жавоби:** кўзойнак.

Агар янада чуқурроқ қарайдиган бўлсакчи? (дея яна тингловчилардан сўраяпти)

Кўзойнак чегарасидан ҳам узокроққа қарасачи?

**Тингловчиларнинг жавоби:** ғоя, призма, фикр.

Мана биз бошқа нарсаларни кўра бошладик. Ҳа, бу кимнингдир ғояси, кимнингдир фикри. Биз кўзойнакни қачонлардир, кимнингдир ғояси бўлган деб айта оламизми? Бу – пул! Қўшиласизми? Бу – маҳсулот. Ҳа! Мана бу телефон

(телефонни кўрсатиб айтяпти). Аммо телефон чегарасидан ташқарига қарайдиган бўлсак – бу ғоядир. Бу – фикрдир. Бу – пуллардир.

Бу шуни англатадики – биз кийиб юрган кийимлар, биз ичаётган дорилар, биз яшаётган уйлар, биз ишлатаётган техника қачонлардир, кимнингдир фикри бўлган. Булар йўқ эди. Улар қачонлардир, кимларнингдир фикри бўлган.

Ҳамма нарса ўй-фикрдан бошланади. Буюк инсонлардек фикрлашни ўрганиш керак. Диққат қилинг. Агар дафтарингиз бўлса ёзиб олинг. **Буюк муваффақиятлар – буюк ўй-фикрларга боғлиқдир.** Ёки буюк ўй-фикрлар буюк муваффақиятларга, ютуқларга олиб келади. Фақатгина буюк ўй-фикрларгина буюк муваффақиятларга, ютуқларга олиб келади. Бошқа ҳеч нарса.

Мен инсонларнинг фикрлаш тарзини ўрганишни бошладим. Ва одамлар фикрлаш тарзидаги 54 та фарқни топдим. Маълум бўлишича, қашшоқ одамлар ва бойлар бошқача бошқача фикрлар экан. Агар Сиз қашшоқлардек

фикрлайдиган бўлсангиз – қашшоқ бўласиз. Агар Сиз бойлардек фикрлайдиган бўлсангиз – бой бўласиз. Англадингизми?!

Агар Сиз бойлардек фикрлашни ўргансангиз – Сиз жуда бой бўласиз.

Масалан. Қашшоқлар **«ЕТИШМАСЛИК»**, **«ЙЎҚЧИЛИК»** категориясида фикрлайдилар.

Мен бу ҳақда бир-икки оғиз айтиб ўтмоқчиман. 54 та дан 2-3 тасини мисол учун айтмоқчиман.

Диққат! Қашшоқлар «ЕТИШМАСЛИК», «ЙЎҚЧИЛИК» категориясида фикрлайдилар. Инсон онгида жуда чуқур ўтирган фикрлардан, яъни фикрлаш тарзларидан бири – бу «ЕТИШМАСЛИК» фикрлаш тарзидир.

Сизлардан қай бирингиз эътибор қилгансиз - Сизнинг даромадингизга параллел равишда харажатларингиз ҳам ошиб боради. Қанча кўп ишлаб топсангиз, харажатларингиз ҳам шунчалик кўп ўсиб боради. Қанча кўп ишлаб топсангиз, харажатларингиз ҳам шунчалик кўп ўсиб боради. Сизлардан

ким буни сезган?

Бу ҳолат «ЕТИШМАСЛИК», «ЙЎҚЧИЛИК» фикрлаш тарзининг айна ўзидир. «ЕТИШМАСЛИК», «ЙЎҚЧИЛИК» фикрлаш тарзи Сизни доимо қарзда ушлаб туради. «ЕТИШМАСЛИК», «ЙЎҚЧИЛИК» фикрлаш тарзи Сизни доимо қашшоқликда ушлаб туради. «ЕТИШМАСЛИК», «ЙЎҚЧИЛИК» фикрлаш тарзи инсонни доимо қоникмаслик ҳолатида ушлаб туради. У ҳар доим бу ҳолатларда ушлаб туради.

Масалан, инсон 100 доллар ишлаб топаяпти — харажатлари ҳам 100 доллар. Қараса озгина етмаяпти. 300 доллар ишлаб топишим керак деб ўйлайди. У 300 доллар ишлаб топади, аммо яна етмаяпти. Кейин, йўқ, 500 доллар ишлашим керак экан дейди. 500 доллар ишлаб топади, аммо яна етмаяпти. Нимагадир харажатлари ҳам 500 доллар бўлиб қолади.

Кейин у 1000 доллар ишлаб топади, ва харажатлари ҳам 1000 доллар бўлади. Қачонки у 1000 доллардан ҳам кўп



ишлаб топа бошласа, қаердандир қарзлар ва кредитлар пайдо бўлади. У лол қолади, шокда!!! 500 доллар топиб юрганида кредити йўқ эди, қарзлари йўқ эди. «*Ҳозир мен 1000 доллардан кўп топаянман – менинг қарзларим ва кредитларим бор!?*»

Бу «ЕТИШМАСЛИК», «ЙЎҚЧИЛИК» фикрлаш тарзининг оқибатидир. У автоматизм принципида ишлайди. У ботиний онгингизда чуқур ўрнашиб ўтирибди. Бу эса бизни йўқчиликка, етишмасликка олиб келадиган қандайдир қарорлар қабул қилишга мажбурлайди.

Даволаш керак бўлган 9 та симптом (аломати) бор. Уларни даволаш керак. Агар даволамаса кўп ишлашдан фойда йўқ. Мен шуни айтмоқчиманки – бу ҳаттоки рақ тўқимларидан ҳам ёмондир. Чунки бутун халқ бу билан касалланган! Бутун халқ! Бу ҳақиқатдан ҳам кўрқинчлидир.

Айрим одамлар бу вазиятдан, пул етишмаслиги ҳолатидан чиқишган. Аммо бу «ЕТИШМАСЛИК» улар онгининг бошқа параметрларига кўчиб ўтган. Масалан, айрим

одамларда пул бор, аммо соғлиқ йўқ. Пули бор, оиласи йўқ. Пули бор, аммо ҳеч қандай ҳурмати йўқ ёки маънавий қашшоқ, одамийлиги йўқ. Чунки «ЕТИШМАСЛИК» фикрлаш тарзи ҳаётининг бошқа параметри томон кўчиб ўтган.

Яна бошқа бир мисол келтираман. Айрим одамлар пул етишмаслиги ҳолатидан вақтинчалик, бир муддатгагина чиқа олишади – 3-5-7 йил муддатга. Булар, одатда, бизнесменлардир.

3-5-7 йил давомида уларда ўсиш ва ўсиш бўлади, сўнгра ... улар ҳаммасини йўқотишади. Бир олам қарзларга, чуқур қарзга ботиб қолишади. Сўнг яна кўтарилиш, кўтарилиш бўлади ва кейин яна ортга қайтишади. Менда бу борада жуда кўп мисоллар бор.

Менинг олдимга бир аёл келганди. Бу Чимкентда бўлганди. У мендан сўради *«Давлатов, менга айтингчи, мана мен 22 йилдан бери бизнесдаман. Агар ҳозир қаралса, менда ҳалигача ўз квартирам йўқ. Аммо мен 22 йилдан бери бизнесдаман.»*

*Менинг 1-бизнесим кийим кечак олиб келиб сотиш бўлган. Бу 1993 йиллар эди. Бу бизнесда мен кўтарилдим, кейин эса ҳаммасини йўқотдим.*

*Кейин Ҳиндистонга бориб келадиган бўлдим. Ундан кейин олтин билан шугулланишни бошладим. Менин Остона ва Олма-Отада дўконларим бор эди. 7 та олтин дўконим бор эди.*

*(Давлатовнинг изоҳи: 7 та олтин дўконини ушлаб туриш учун миллион доллардан кўп пулингиз бўлиши керак! 7 та олтин дўконини ушлаб туриш - бу шунчаки осон иш эмас. )*

*Мен жуда яхши кўтарилдим. Нима бўлганини тушуна олмайман, 8 йилча кўтарилдим. Кейин ... бир қарасанг ўзрилар дўконимга тушишди, кейин мен катта кредитлар олдим ва қарзга кириб кетдим ва ҳоказо. Умуман, ҳаммасини йўқотдим.*

*Кейин қурилиш билан шугулланишни бошладим. Яна*

*кўтарилдим ва 2008 йилги кризисда яна катта банкрот бўлдим.*

*Ҳозир мен автобуслар билан шуғулланаман. Одамларни Ўзбекистон чегарасидан Олма-Отага ташийман. Менинг 3 та автобусим бор.*

*Ишлаб топган ҳаммасини йўқотаман. Нимадир бўлади. Бир у синади, бир бу. 22 йилдан буён бизнесдаман. Аммо қўлга илинадиган ҳеч нима йўқ.»*

У аёл мени эшитди. Мен унга Сиз ботиний онгингизни даволашингиз керак деб айтдим. Сизда, чуқур ўрнашиб олган «ЕТИШМАСЛИК» фикрлаш тарзи бор. Агар Сиз уни даволамасангиз, маълум бир даражага кўтарилиб етганингизда у автоматик тарзда ишга тушади ва Сизни бурчакка тиқиб қўяди.

Бу худди кондиционердек. Кондиционер хонадаги ҳароратни ростлаб туради. Сизнинг онгингиз ҳам худди шундай тартибда Сизнинг фаровонлигингиз ва етишмаслик

даражангизни назорат қилиб туради. Азизларим, буни ўрганиш керак.

Агар ўрганилмаса, кўп ишлаш фойдасиздир. Керак бўлса бутун сутка давомида ишламайсизми, фарқи йўқ. Ҳеч нима ўзгармайди.

Бойлар **«БАРАКА, СЕРОБЧИЛИК, ТЎКИНЛИК»** категорияларида фикрлайди. Бу нима дегани?

Диққат қилинг! Ҳаётингизда тўкин, сероб бўлган нима бор? Мўл-кўл, тўкин, сероб бўлган нимадир борми? Масалан, нима борки биз уни сероб дейишимиз мумкин?

Бу шундай нарсаки, бизнинг унга эҳтиёжимиз бор, биз усиз яшай олмаймиз ва бу нарса бизда бор, шу билан бир вақтда Сиз у ҳақда ўйламайсиз ҳам. Демак бу нарса Сизда тўкин, мўл-кўл, серобдир.

Масалан соғлик. Агар Сиз соғлом инсон бўлсангиз – Сиз соғлик ҳақида ўйламайсиз. Масалан, агар тишингиз

оғримаётган бўлса Сиз у ҳақда ўйламайсиз. Қачонки оғришни бошласа Сиз у ҳақда ўйлашни бошлайсиз.

Ҳаво, уйингиздаги сув. Сиз булар ҳақида ўйламайсиз-ку?! Сиз улардан шунчаки фойдаланасиз. Азизларим диққат қилинг. Агар Сиз бизнинг тизимимизни харид қилсангиз, токи ўз ҳаётингизга татбиқ қилгунча тўғри равишда бир неча бор қайта-қайта ишласангиз, агар Сиз буни, худди чемпион машқ қилганидек, сабр билан қилсангиз, мен Сизга сўз бераман – шундай бир кун келадики, пуллар Сиз учун сероб, мўл-кўл, тўкин нарсага айланади.

Сизнинг улар ҳақида ўйлашингиз шарт бўлмай қолади. Ажойиб-а?! Сизлардан ким эрталаб турганда *«Қанча нафас олиб чиқаришимни режаслаштиришим керак, акс ҳолда ҳаво етишмай қолади»* дейди?! Калькуляторни олиб, бу ойда қанча кг ҳаво нафас олишим керак деб ҳисоблайдими?! Сизлардан ҳеч ким бу ишни қилмайдими?! Айнан мана шундай ҳолат пуллар билан ҳам содир бўлиши мумкин! Ва Сизга пуллар ҳақида ўйлаш шарт бўлмай қолади. Агар Сиз ҳаммасини тўғри қилсангиз.

Мен булар ҳақида икки оғиз айтиб ўтаман. Қолган барчасини, етишмасликнинг 9 симптомини қандай даволашни, пуллар ҳаётингизда сероб, мўл кўл бўлиши учун баракани, тўкинликни қандай шакллантиришни – мана буларни мен 5 ҳафталик курсимда ўргатаман.

Навбатдаги категория. Камбағаллар **«МЕН БУЛАРНИНГ БАРЧАСИНИ БИЛАМАН»** деган категорияда фикрлашади.

Биласизми, камбағалларда мана бу мусибат, бало бор – улар ҳамма нарсани билишади. Улар ҳаттоки чивинлар қанча туғишини ҳам билишади. Улар ҳаттоки осмонда қанча юлдуз борлигини билишади. Камбағал инсонларда мана шундай ёндашув бор. Ҳамма нарсага бўлган ёндошуви – МЕН ҲАММАСИНИ БИЛАМАН!

Уларнинг мусибати ҳам айнан мана шунда! Бойлар эса **«АГАР БУ МЕНГА НИМАДАДИР ЁРДАМ БЕРСА, БУ ШУНГА АРЗИЙДИ»** деган категорияда фикрлайди. Бойлар

билан камбағалларнинг фарқи мана шунда! Чунки бойлар агар бу нимададир ёрдам берса, бу шунга арзишини жуда яхши тушунади.

Ўзингиз мана бу ноодатий нарсани бир ўйлаб кўринг. Ҳар бир бой инсонларнинг устози бор, ҳар бир бой инсоннинг маслаҳатчилари – консультантлари бор. Камбағалларда эса йўқ. Нега камбағал инсонларда маслаҳатчи-консультантлар йўқ? Чунки улар ўзим ҳаммасини биладан деб ҳисоблайди. Уларга устозлар керак эмас, уларга маслаҳатчилар керак эмас.

Сизнинг иккита йўлингиз бор: устоз топиб ундан ўрганиш ёки ҳаётий тажриба йўлидан бориб ўрганиш. Ҳаётий тажриба йўлида эса хатолар, муаммоларга чўкиб кетишингиз аниқ. Ва ҳаммасидан ҳам энг кўп биладиганингиз, йилларни йўқотиб биладиган ягона нарсанингиз – *«нимани қилмаслик керак эди»* ни билиш бўлади!

Бу ҳозир бизга ўхшаб, 26 йил ўтгандан сўнг биз эришган натижаларни, агар бу билимларни олдин билганимизда эди, 2 ёки 1 йилда қилган бўлишимиз мумкинлигини



тушунганимиздек аччиқ ҳақиқатдир. Биз 20-25 йиллик ҳаётимизни тежаган бўлардик!

Қачонки инсон ўз йўлидан боришни танласа, у ҳар доим кўп хато қилади, кўп омадсизликка учрайди.

Навбатдаги категория. Камбағаллар **«ОСМОНДАН ТУШГАН УН»** (манна небесная) категориясида фикрлашади. Бу ҳозирги дунёда тарқалган энг катта категориялардан бири эканлиги аниқ.

«ОСМОНДАН ТУШГАН УН» нима? Келинг аввал бу нима эканлигини тушунтириб ўтсам. Библияда «ОСМОНДАН ТУШГАН УН» образи қуйидагича бўлган. Мусо ўз қавмини фиръавн зулмидан халос қилиб ваъда қилинган ер томон кетаётганда чўлда 40 йил юради. Ана шунда қавм Мусодан роббинга дуо қил, у бизга таом берсин деб сўрайди.

Мусо дуо қилди ва ҳар куни эрталаб қавм уйғонганида осмондан ун кўринишига ўхшаш таом ёғилган бўларди. Бу уннинг кўриниши оппоқ момик қорга ўхшарди. Таъми асал

каби ва витаминларга тўла эди. Одамлар буни яшаб қолиш учун ейишлари мумкин эди.

Диққат қилинг. Бу уннинг 2 та хусусияти бор эди. Биринчиси шу эдики – ун осмондан қавм очликдан ўлмайдиган миқдордагина ёғиларди. Иккинчиси – бу унни йиғиб ёки тўплаб бўлмасди. Чунки у эриб кетарди.

Энди диққат қилинг. Кўпчилик одамларда фикрлаш тарзи «Осмондан тушган ун» кабидир. Улар ойликдан ойликкача яшайдилар. Улар ўз харажатларини зўрға қоплайдиган миқдорда ишлаб топадилар. Улар шунчаки яшаб қолишгагина етадиган миқдорда пул ишлаб топишади. Шунчаки, энг зарур харажатларини таъминлаш учун пул ишлаб топишади. Бир ойликдан иккинчи ойликкача. Чунки уларнинг фикрлаш тарзи «Осмондан тушган ун» кабидир.

«Осмондан тушган ун» фикрлаш тарзи нима билан характерланади? Бундай фикрлаш тарзидаги инсонлар ҳамма нарсани арзон олишни истайдилар. Улар ҳамма нарсани бепул олишни хоҳлайдилар. Улар бошқалар хизматидан бепул

фойдаланишни истайдилар. Бошқаларнинг маҳсулотларини арзон олишни хоҳлайдилар. Улар ҳамма жойда текинхўр бўлиб яшашни истайди. Тушундингизми?! Ҳамма жойда текинга нимагадир эришишни исташади. **БУ ЭНГ КАТТА МУСИБАТДИР!**

Аммо улар тушунишмайди. Улар оламнинг барча қонуниятларини бузишаётганини тушунмайдилар. Улар, қачонки бошқаларнинг хизматини ўз баҳосидан камига олаётганларида ёки тўламасликка ҳаракат қилишаётганларида улар ўша талант соҳибига ўлим тилашаётганини тушунмайдилар.

Масалан, оддий нарсани олиб қарайлик. Тасаввур қилинг, Сиз ёки ўртоғингиз ҳовлингиз четида сартарошхона очдингиз. У ерга қўшнингиз келиб бир оз камроқ тўлаб кетса, дўстларингиз келса ва умуман тўламаса. У ерга қариндошларингиз келади ва хўп, кейин бераман деб кетса. Вақт ўтиши билан Сизга бу сартарошхонани тутиб туриш фойдасиз бўлиб қолади. Сиз уни ёпишингизга тўғри келади.

Бу шуни англатадики, «Осмондан тушган ун» фикрлаш тарзига эга одамларнинг атрофига фақат қобилиятсиз, талантсиз одамлар йиғилишни бошлайди. Барча талантлилар улардан кетишади. Уларнинг атрофида фақат хатарли, айёр, алдамчи, масъулиятсиз одамлар пайдо бўлади. Мана шундай одамлар унинг атрофида йиғила бошлайди. Шунинг учун ҳам «Осмондан тушган ун» фикрлаш тарзи жуда хавфлидир.

Менинг Сизга маслаҳатим: **дунёда ҳеч нарсани БЕПУЛ олманг.** Бойлар **«ҲАММА НАРСА ПУЛ ТУРАДИ»** деган категорияда фикрлайди. Менинг Сизга маслаҳатим – оламга чин дилдан, ҳузур билан тўланг.

Бой бўлишни истайсизми!!!? Ким бой бўлишни истайди!?! Ҳақиқий бой бўлишни ким истайди!?! - у ҳолда илоҳий қонунларни бузманг, олам қонуниятларини бузманг.

**Бойлик сирини – бу сахийликни, ҳимматни намоён қилишдадир.** Сахийликни, ҳимматни намоён қилинг!

Сизга кўрсатилган хизматдан кўра кўпроқ тўланг! Қанчадир бўлса ҳам кўпроқ тўланг! Официантни уришманг –

чой-чақа беринг. Машина тураргоҳидаги кўрикчи қоровулга кўпроқ беринг. Ҳар доим кўпроқ беринг.

Қачонки Сиз кўпроқ берар экансиз, Сиз ўз атрофингизда барака, тўкинлик, мўл-кўллик қонунияти асосида ҳаракат қилаётган бўласиз. Сиз бойлик уруғини экаётган бўласиз. Ва олам буни кўпайтиришни бошлайди.

Бу гўёки боғбон битта ёнғоқни эккани ва ундан ёнғоқ дарахти ўсганига ўхшайди. Сиз бераётган ҳар бир доллар кўпаяди ва Сизга қайтиб келади! Азизларим – бу қонундир. Ҳеч нарсани БЕПУЛ олманг. Агар Сизга совға беришса – бу бошқа иш. Аммо бошқа нарсаларни БЕПУЛ олманг.

Агар Сиз бу дунёдаги бирор бир фойдали нарсани бепул олган бўлсангиз, демак Сиз Олам олдида ҳалитдан (уже), аллақачон қарздорсиз. Энди Сиз ҳам худди шундай бирор бир фойдали ишни бепул қилинг.

Масалан мен ҳозир бу маълумотларни, бу билимларни Сизга бепул беряпман, совға қияпман. Бунинг натижасида

Сиз ҳалитдан қарздор бўлиб қолдингиз ва ўз соҳангизда, ўз жабҳангизда худди шундай баракани, мўл-кўлчиликни, тўкинликни экишга мажбуриятли бўлдингиз.

Мана шундай вебинарларни бепул бериш орқали мен ўз атрофимда барака, мўл-кўлчилик, тўкинлик уруғларини экаман. Чунки Сизлардан кимдир бўлса ҳам атиги биттагина фикрни ўзи учун олса ва бу фикр унинг ҳаётида ёрдам берса Сиз бундан миннатдор бўласиз. Сизнинг мана шу миннатдорчилигингиз – айна мен тўплаётган жамғармадир. Сизнинг дуоларингиз – бу менинг жамғармамдир.

Баъзида одамлар менга айтишади, Сенинг энг катта бойлигинг қайси? Мен, халқнинг миннатдорлиги деб айтаман.

**Халқнинг миннатдорлиги тенги йўқ бойликдир.** Уни пулга сотиб олиб бўлмайди. Бу – дунёдаги энг қимматли, энг зўр, энг хайрли ишдир. Бу – муваффақиятли бўлиш сабабидир, бахтли бўлиш сабабидир, бошқалар фаровонлигининг сабабидир. Чунки бу – дунёдаги энг катта хайрли ишдир.

Ҳаётдаги ўзгаришлар сабабчиси бўлиш, инсоннинг яхши

томонга ўзгариши сабабчиси бўлиш – бу жуда ажойибку!

Азизларим, яхшиси пулни йўқотган маъқул, яхшиси пул тўлаган маъқул. Соғликни йўқотгандан кўра пул тўлаган маъқул. Умр йилларини йўқотгандан кўра пулни йўқотган авзал. Ўз болаларингиз тақдири билан тўлагандан кўра пул тўлаган яхши.

Чунки инсон барибир нима билан бўлса ҳам тўлайди! Инсон барибир нимадир тўлайди! У бунга ишонадимми ёки йўқми бу аҳамиятсиз. У барибир тўлайди. Ниманидир барибир тўлайди.

Ҳа, мақсадингизга етишиш учун Сиз ёки умрингиз билан тўлайсиз, ёки пул тўлаб бошқадан ўрганасиз ва бу мақсадингизга анча кам вақт сарфлаб эришасиз. Ёки Сиз бунга эришиш учун соғлигингиз йўқотасиз. Бу ҳақиқат. Ёки Сиз асабларингизни йўқотасиз. **Энг арзон тўлов – бу пуллар билан тўлашдир.** Чунки пулларни тиклаш мумкин. Соғликни тиклаш қийин, муносабатларни тиклаш қийин.

Рости. Муносабатларни йўқотманг! Пуллар учун ҳеч қачон тортишманг! Кимдир Сиздан қарздор бўлса, уни пуллар учун пастга урманг. Пуллар учун ўз ишончингизни хатарга, рискка қўйманг! Пуллар учун ҳеч қачон ёлғон гапирманг. Пуллар учун алдаманг. Ўз маънавий қадриятларингизга пуллар учун сотқинлик қилманг. Пуллар учун ниманидир ўз юрагингиз тубига яширманг! Чунки пуллар бунга арзимади.

Буни тушуниш учун кучли онгга эга бўлиш керак. Мен Сизга озгинасини, бир неча сўз айтдим. Буларни қандай чуқур ўрганишни 5 ҳафталик курсимда ўтамыз, азизларим. Ҳозирги вебинаримиз кириш дарсидир. Бу учрашувимиз фойдали бўлиши учун мен оз-оздан гапириб Сизга бироз маълумот беряпман. Ҳа, Исо пайғамбар айтганидек берувчи қўл ҳеч қачон кам бўлмайди!

Азизларим! Мен бойлар ва камбағалларнинг уч хил фикрлаш тарзи ҳақида салгина гапирдим. Улар Сизга ёқдими? Улар ҳақиқат! Сиз уларда қандайдир катта куч борлигини сезяпсизми? Сиз буни ҳис қиляпсизми?!



Сиз, айнан дунёқараш, айнан мана шу нарсаларни тушуниш инсонни шакллантиришини сезяпсизми? Биласизми, қачонки Сиз ўзингиз учун 54 хилдаги фикрлаш тарзини олсангиз, Сиз ким бўлишингизни тасаввур ҳам қила олмайсиз!

Энг асосий факт – Сизнинг қандай инсон бўлишингиздир. Бу энг асосийсидир. Энг асосийси – Сизнинг қандай инсон бўлиб етишишингиздир! Ахир кимнингдир миясини қарзга олиб туриш мумкинми? Азизларим, ақлни сотиб олиб бўлмайди! Бировдан қарзга олиб туриб бўлмайди. Ўғирлаб бўлмайди! Бир ҳафтага ижарага олишга сўраб бўлмайди. Бунинг иложи йўқ!

Ақлли бўлишнинг, бахтли бўлишнинг, муваффақиятга эришишнинг бирдан бир йўли – бу ўзингизнинг ўз устингиздан ишлашингиздир, йиллар мобайнида куч бериб, ҳаракат қилиб ақлни жамғаришингиздир. Жамғариш!

Энг катта бойлик – бу ақлдир! Диққат қилинг! Энг катта куч – бу ишончдир! Сизда илоҳий даражадаги ишонч бўлиш

керак. Сизнинг ишончингиз жуда кучли бўлиши керак.

Агар Сиз ўз келажагингизга ишонмасангиз мен Аллоҳга ишонаман, диндорман деб қандай айта оласиз?! Агар Сиз бу масалани ҳал қила олишингизга ишонмасангиз мен Аллоҳга ишонаман, деб қандай айта оласиз?! Агар Сиз камбағалликни енга олмасангиз мен Аллоҳга ишонаман, деб қандай айта оласиз?! Агар Сиз Аллоҳнинг энг саҳий зот эканлигига ишонмасангиз, у ҳолда Сизнинг ишончингиз қаерга кетади?!

Ўзини Аллоҳга ишонадиган деб ҳисоблайдиган одамларни кўрганимда, агар у камбағал бўлса – мен уни ўз онгининг тубида ишончдан кўра миллион баробар кўпроқ шубҳа бор эканлигини кўраман. Шунинг учун ҳам у мана шундай яшайди.

Аллоҳ нимани хоҳлайди!? У бизнинг ишонишимизни хоҳлайди! Чунки у саҳийдир. Мен ишонаман, мен муқаддас китобларда ёзилган барчаси ҳақиқат эканлигига ишонаман. Мен, Аллоҳ меҳрибон эканлигига ишонаман! Мен, Аллоҳ бой эканлигига ишонаман! У саҳийдир! У имкониятлар беради!

Менга ҳаёт берибдими, ақл берибдими, шунча барака, мўлкўлчиликни берибдими, сен ўзинг ақл билан ишла дея ақл берибдими демак бу – дунёга фойда келтир ва гуллаб яшна, тараққий эт деганидир! Буни тушуниш жуда муҳимдир!

Қачонки Сиз 54 та категорияни ўтасангиз борми! Сиз шунчаликка эга бўласизки, шунчалик улкан билимларга эга бўласизки – буни ҳеч қандай миқдордаги пулга тенглаштириб бўлмайди! Тенглаштириб бўлмайди. Бу ҳақиқат!

Видео таржимаси тугади.

### Ушбу китобдан олинадиган фойдалар:

- ✓ Молиявий эркинликка эришиш учун энг асосий қадамлардан бири – бу бойлар сингари фикрлашни ўрганишдир.
- ✓ Қачонки Сиз узоқ йиллар давомида битта соҳада ишласангиз Сиз бу соҳани жуда яхши тушуна бошлайсиз, Сиз одамнинг қадриятларини тушуна бошлайсиз, Сиз буларни кўра бошлайсиз.
- ✓ Инсон кўзлари билан кўрмас экан! Инсон ақли билан, онги билан кўрар экан! Онгингиздаги қарашларингиз нимага йўл берса, рухсат берса шуни кўрасиз қабул қиласиз. Йўл бермаганини, рухсат бермаганини эса қабул қила олмайсиз.
- ✓ Инсон қулоқлари билан эшитмайди! У ақли билан, онги билан эштади. Демак, муваффақиятга эришиш учун биринчи навбатда тўғри фикрлашни ўрганиш керак

эканлиги маълум бўлади.

- ✓ Буюк муваффақиятлар – буюк ўй-фикрларга боғлиқдир. Ёки буюк ўй-фикрлар буюк муваффақиятларга, ютуқларга олиб келади. Фақатгина буюк ўй-фикрларгина буюк муваффақиятларга, ютуқларга олиб келади. Бошқа ҳеч нарса.
- ✓ Маълум бўлишича, қашшоқ одамлар ва бойлар бошқача бошқача фикрлар экан. Агар Сиз қашшоқлардек фикрлайдиган бўлсангиз – қашшоқ бўласиз. Агар Сиз бойлардек фикрлайдиган бўлсангиз – бой бўласиз.
- ✓ Қашшоқлар «ЕТИШМАСЛИК», «ЙЎҚЧИЛИК» категориясида фикрлайдилар. Бундай фикрлаш тарзига эга инсонларнинг даромадига параллел равишда харажатлари ҳам ошиб боради.
- ✓ «ЕТИШМАСЛИК», «ЙЎҚЧИЛИК» фикрлаш тарзи Сизни доимо қарзда ушлаб туради. «ЕТИШМАСЛИК», «ЙЎҚЧИЛИК» фикрлаш тарзи Сизни доимо

қашшоқликда ушлаб туради. «ЕТИШМАСЛИК», «ЙЎҚЧИЛИК» фикрлаш тарзи инсонни доимо қоникмаслик ҳолатида ушлаб туради.

- ✓ Етишмаслик фикрлаш тарзига эга бўлиш – бу ҳаттоки рақ тўқимларидан ҳам ёмондир.
- ✓ Айрим одамларда «ЕТИШМАСЛИК» фикрлаш тарзи улар онгининг бошқа параметрларига кўчиб ўтган. Масалан, айрим одамларда пул бор, аммо соғлик йўқ. Пули бор, оиласи йўқ. Пули бор, аммо ҳеч қандай ҳурмати йўқ ёки маънавий қашшоқ, одамийлиги йўқ.
- ✓ Бундай фикрлаш тарзи худди кондиционер хонадаги ҳароратни ростлаб турганидек Сизнинг фаровонлигингиз ва етишмаслик даражангизни назорат қилиб туради.
- ✓ Бойлар «БАРАКА, СЕРОБЧИЛИК, ТЎКИНЛИК» категорияларида фикрлайди.
- ✓ Камбағаллар «МЕН БУЛАРНИНГ БАРЧАСИНИ

БИЛАМАН» деган категорияда фикрлашади.

- ✓ Бойлар эса «АГАР БУ МЕНГА НИМАДАДИР ЁРДАМ БЕРСА, БУ ШУНГА АРЗИЙДИ» деган категорияда фикрлайди.
- ✓ Ҳар бир бой инсонларнинг устози бор, ҳар бир бой инсоннинг маслаҳатчилари – консультантлари бор. Камбағалларда эса йўқ.
- ✓ Сизнинг иккита йўлингиз бор: устоз топиб ундан ўрганиш ёки ҳаётий тажриба йўлидан бориб ўрганиш. Ҳаётий тажриба йўлидан борлиганда йилларни йўқотиб биладиган ягона нарсангиз – «нимани қилмаслик керак эди» ни билиш бўлади, холос!
- ✓ Камбағаллар «ОСМОНДАН ТУШГАН УН» категориясида фикрлашади.
- ✓ Ҳамма нарсани бепул олишни хоҳлаш, бошқалар хизматидан бепул фойдаланишни исташ, бошқаларнинг

маҳсулотларини арзон олишни хоҳлаш, ҳамма жойда текинхўр бўлиб яшашни исташ, ҳамма жойда текинга нимагадир эришишни исташ – БУ ЭНГ КАТТА МУСИБАТДИР!

- ✓ Камбағаллик фикрлаш тарзига эга инсонлар оламнинг барча қонуниятларини бузишаётганини тушунмайдилар.
- ✓ Камбағаллик фикрлаш тарзига эга инсонлар бошқаларнинг хизматини ўз баҳосидан камига олмоқчи бўлаётган ёки тўламасликка ҳаракат қилинаётганда ўша талант соҳибига ўлим тилаётганини тушунмайдилар.
- ✓ «Осмондан тушган ун» фикрлаш тарзига эга одамларнинг атрофига фақат қобилиятсиз, талантсиз одамлар йиғилишни бошлайди. Барча талантлилар улардан кетишади. Уларнинг атрофида фақат хатарли, айёр, алдамчи, масъулиятсиз одамлар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам «Осмондан тушган ун» фикрлаш тарзи жуда хавфлидир.



- ✓ Дунёда ҳеч нарсани БЕПУЛ олманг.
- ✓ Бойлар «**ҲАММА НАРСА ПУЛ ТУРАДИ**» деган категорияда фикрлайди. Менинг Сизга маслаҳатим — оламга чин дилдан, ҳузур билан тўланг.
- ✓ Бойлик сири — бу сахийликни, ҳимматни намоён қилишдадир. Бой бўлишни истасангиз - сахийликни, ҳимматни намоён қилинг!
- ✓ Қачонки Сиз кўпроқ берар экансиз, Сиз ўз атрофингизда барака, тўкинлик, мўл-кўллик қонунияти асосида ҳаракат қилаётган бўласиз. Сиз бойлик уруғини экаётган бўласиз. Ва Аллоҳ буни кўпайтириб бершни бошлайди.
- ✓ Агар Сиз бу дунёдаги бирор бир фойдали нарсани бепул олган бўлсангиз, демак Сиз Олам олдида ҳалитдан (уже), аллақачон қарздорсиз. Энди Сиз ҳам худди шундай бирор бир фойдали ишни бепул қилинг.

- ✓ Бирор бир фойдали нарса ёки хизматни бепул бериш орқали Сиз ўз атрофингизда барака, мўл-кўлчилик, тўкинлик уруғларини экасиз. Агар бунинг натижасида кимдир бўлса ҳам ўз ҳаётида фойда олса у бундан миннатдор бўлади. Унинг мана шу миннатдорчилиги – энг қимматбаҳо жамғармадир.
  
- ✓ Ўзгаларнинг дуоси – энг зўр жамғармадир.
  
- ✓ Халқнинг миннатдорлиги тенги йўқ бойликдир. Уни пулга сотиб олиб бўлмайди. Бу – дунёдаги энг қимматли, энг зўр, энг хайрли ишдир. Бу – муваффақиятли бўлиш сабабидир, бахтли бўлиш сабабидир.
  
- ✓ Азизларим, яхшиси пулни йўқотган маъқул, яхшиси пул тўлаган маъқул. Соғликни йўқотгандан кўра пул тўлаган маъқул. Умр йилларини йўқотгандан кўра пулни йўқотган авзал. Ўз болаларингиз тақдири билан тўлагандан кўра пул тўлаган яхши.

- ✓ Чунки инсон барибир нима билан бўлса ҳам тўлайди! Инсон барибир нимадир тўлайди! У бунга ишонадими ёки йўқми бу аҳамиятсиз.
  
- ✓ Ҳа, мақсадингизга етишиш учун Сиз ёки умрингиз билан тўлайсиз, ёки пул тўлаб бошқадан ўрганасиз ва бу мақсадингизга анча кам вақт сарфлаб эришасиз. Ёки Сиз бунга эришиш учун соғлигингиз йўқотасиз. Бу ҳақиқат. Ёки Сиз асабларингизни йўқотасиз.
  
- ✓ Энг арзон тўлов – бу пуллар билан тўлашдир. Чунки пулларни тиклаш мумкин. Соғликни тиклаш қийин, муносабатларни тиклаш қийин.
  
- ✓ Пуллар учун ҳеч қачон тортишманг! Кимдир Сиздан қарздор бўлса, уни пуллар учун пастга урманг. Пуллар учун ўз ишончингизни хатарга, рискка қўйманг! Пуллар учун ҳеч қачон ёлғон гапирманг. Пуллар учун алдаманг. Ўз маънавий қадриятларингизга пуллар учун сотқинлик қилманг. Пуллар учун ниманидир ўз юрагингиз тубига

яширманг! Чунки пуллар бунга арзимаиди.

- ✓ Энг асосийси – Сизнинг қандай инсон бўлиб етишишингиздир!
  
- ✓ Ақлли бўлишнинг, бахтли бўлишнинг, муваффақиятга эришишнинг бирдан бир йўли – бу ўзингизнинг ўз устингиздан ишлашингиздир, йиллар мобайнида куч бериб, ҳаракат қилиб ақлни жамғаришингиздир. Жамғариш!
  
- ✓ Энг катта куч – бу ишончдир! Сизда илоҳий даражадаги ишонч бўлиш керак. Сизнинг ишончингиз жуда кучли бўлиши керак.
  
- ✓ Агар Сиз ўз келажагингизга ишонмасангиз мен Аллоҳга ишонаман, диндорман деб қандай айта оласиз?!
  
- ✓ Агар Сиз олдингиздаги масалани ҳал қила олишингизга ишонмасангиз мен Аллоҳга ишонаман, деб қандай айта оласиз?!

- ✓ Агар Сиз камбағалликни енга олмасангиз мен Аллоҳга ишонаман, деб қандай айта оласиз?!
- ✓ Агар Сиз Аллоҳнинг энг саҳий зот эканлигига ишонмасангиз, у ҳолда Сизнинг ишончингиз қаерга кетади?!
- ✓ Ўзини Аллоҳга ишонадиган деб ҳисоблайдиган аммо камбағал инсон – ўз онгининг тубида ишончдан кўра миллион баробар кўпроқ шубҳада бўлаётган бўлади. Шунинг учун ҳам у мана шундай яшайди.
- ✓ Аллоҳ бизнинг ишонишимизни хоҳлайди! Чунки у саҳийдир. Аллоҳ меҳрибон Зотдир! Аллоҳ ўта бойдир! У саҳийдир! У имкониятлар беради! Сизга ҳаёт берибдими, ақл берибдими, шунча барака, мўл-кўлчиликни берибдими, сен ўзинг ақл билан ишла дея ақл берибдими демак бу – дунёга фойда келтир ва гуллаб яшна, тараққий эт деганидир! Буни тушуниш жуда муҳимдир!

## **Бизнесингизни ривожлантиришдаги икки йўлдан қайси бири муҳим?**

Ассалому Алайкум!

Бахтли ва фаровон яшаш учун ўзингиз ҳақингиздаги билимлар муҳимми ёки касбингизга доир билимларми? Охиригача ўқисангиз буни билиб оласиз.

Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бу саволни ҳамма ҳам ўзига беравермайди.

Менга мурожаат қилганлар одатда бизнес очиш ёки мавжуд бизнесини ривожлантириш, даромадини ошириш бўйича маслаҳат сўрашади. Аммо мен бизнес очиш ёки уни ривожлантириш бўйича билим бермайман. Менинг асосий йўналишим – шахсинг ўзига қаратилган.

Шу жойда муҳим бир жиҳатни англаб олиш керак. Сизни муваффақиятга олиб боровчи билимларни икки хил турга

бўлиш мумкин:

- касбингизга, бизнесингизга оид билимлар,
- ўзингиз ҳақингиздаги билимлар.

Бу иккаласи ҳам Сизнинг муваффақиятингиз учун муҳимдир. Булар худди қушнинг икки қанотидек гап. Улардан бирини бошқасидан устун қўйиш, бирини олиб бошқасига эътибор қаратмаслик – ўзини алдашдан бошқа нарса эмас.

Мутахассислар фикрига кўра бу билимларнинг Сизнинг муваффақиятингиздаги аҳамияти қуйидагичадир:

- касбга, бизнесга оид билимлар – 20%
- ўзингиз ҳақингиздаги билимлар – 80%

Агар Сиз кўзланган натижага эриша олмаётган бўлсангиз ҳар иккала жиҳатингизни ҳам қараб чиқинг. Иши юришмаётган кўпчилик ўз соҳаси ёки бизнесига доир биргина ўзи учун янги билимни, сирни қўллаш орқали катта натижаларга эришиши мумкин. Аммо ўз соҳасидаги ёки бизнес, маркетинг, рекламага оид кўплаб янги усул ва воситаларни қўлласада натижа ололмаётганлар ҳам

кўпчилиқни ташкил қилади.

Шуни яхшилаб билиб олингки, агар Сиз ўз касбингизни яхши билсангизда, бизнесингизни ривожлантириш учун замонавий воситалардан фойдаланаётган бўлсангизда, аммо натижа бўлмаётган бўлса, даромадингиз ошмаётган ёки топган даромадингизга мос харажатларингиз ҳам ошиб бораётган бўлса – демак Сизга ўзингиз ҳақингиздаги, фикрлаш тарзингиз ҳақидаги, қарашларингиз ҳақидаги билимларни ўрганиш жуда муҳимдир.

**Ўзингиз ҳақингиздаги, фикрлаш тарзингиз ҳақидаги, қарашларингиз ҳақидаги билимларни ўрганиш вақти келганлигининг ўзига хос аломатлари бор.** Уларга мисол қилиб қуйидагиларни келтириш мумкин:

- қанча ҳаракат қилсангизда даромадингиз маълум бир чегарадан ошмайди,

- ишингиз фақат ўрганиш бўлиб қолган – амалда қўллашни ортга суриб юраверасиз,



- бир тарафдан қараганда ҳаммасини тушуниб турибсиз, лекин ҳаракат қилиш йўқ ёки кўп ҳаракат қилаётгандек бўласиз-у, аммо натижа йўқ,

- бизнесни ривожлантиришга оид усуллар (бизнесни ташкил қилиш, маркетинг, реклама) негадир Сизда иш бермайди,

- агар энди бизнес бошламоқчи бўлиб юрганлардан бўлсангиз иш бошлашни йиллар давомида ортга суриб юраверасиз,

- Сизни тезда бойиш схемалари кўпроқ қизиқтиради. Турли «инвестициялар»га – яъни ишламасдан, одамларга бирор фойда бермасдан даромад қилишга қизиқасиз,

- Қарзингиз кўп. Бунда ёки Сиз қарздорсиз ёки одамлар Сиздан қарздор. Нима бўлганда ҳам Сизда ўзингиз хоҳлаган даромад йўқ,

*Сизнинг қарзингиз миқдори – бу ўз билимингиз, тажрибангиз, имкониятларингиз ҳақидаги хаёлларингиз ҳақиқатга қанчалик мос келишини*

кўрсатади.

*Агар бизнес учун пул бўлса бўлди дея қарз олиб бизнес бошласангиз ва у юрмаса – демак Сизнинг бизнес ҳақидаги билимларингиз, ўзингизнинг «тадбиркорлигингиз» ҳақидаги фикрларингиз ҳали асл ҳаётга унчалик мос эмаслигини англатади. Тушуняпсизми?! Мана шу жойда хаёл бошқа ҳаёт бошқа деган мақолни келтирса бўлади.*

*Сизнинг ўзингиз ҳақингиздаги, билимингиз, имкониятларингиз ҳақидаги ўй-фикрларингиз ҳақиқий ҳаётдан, ҳақиқий воқеъликдан қанчалик узоқ бўлса – қарзларингиз ҳам шунчалик кўп бўлади.*

Бир сўз билан айтганда ишингиз юришмаётгани ва ҳаётингиздан, яшаш даражангиздан қониқмаётганингиз аниқ. Қилаётган ҳаракатларингиз натижа бермаяпти. Гап нимада эканлигини тушуна олмай ҳайронсиз ёки ҳамма айбни дангасалигингизга, омадсизлигингизга, тажрибасизлигингизга йўясиз.

Агар Сизда шу аломатлар бўлса билингки бу ҳолатлардан қутулишнинг ягона чораси ўзингиз, фикрлаш тарзингиз, қарашларингиз ҳақидаги билимларни ўрганиш ва Сизни чеклаб турган қарашлардан, фикрлаш тарзидан халос бўлишдир.

Энг қувонарлиси чекловчи қарашларингизни, фикрлаш тарзингизни жуда тез ўзгартириш мумкин. Қачонки Сиз чекловчи қарашингизни топсангиз ва бу Сизни чеклаб турганлигини, бу фақатгина Сизга таъсир қилаётганини, бошқа одамларда бундай қараш йўқлигини англаб етсангиз – шу лаҳзалардаёқ Сизни чеклаб турган қарашларингиздан халос бўласиз. Бунинг учун узоқ кутиш ёки йиллаб нималарнидир бажариб юриш шарт эмас.

**Янги, фойдали ва ривожлантирувчи илмларни  
ўзлаштиришда Аллоҳ ёр бўлсин!**

Агар Сиз ишингиз юришмаслигига сабаб бўлаётган **чекловчи қарашларингиздан** тезда халос бўлишни ва кўзлаган мақсадларингизга завқ билан эриша бошлашни истасангиз, марҳамат!

**ҲОЗИРОҚ МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!**

Тел.: +998 93 541 74 79

Телеграм: [https://t.me/shuxrat\\_eshmurodov](https://t.me/shuxrat_eshmurodov)